

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АБДУРОХМОНОВ ШАВКАТЖОН ХАСАНОВИЧ

РОТОРЛИ ДОН МАЙДАЛАГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

**05.07.01–Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Абдурахмонов Шавкатжон Хасанович

Роторли дон майдалагичнинг параметрларини асослаш....

3

Абдурахмонов Шавкатжон Хасанович

Обоснование параметров роторного измельчителя
зерна.....

21

Abdurokhmonov SHavkatjon Xasanovich

Justification of the parameters of the rotary grain shredder

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АБДУРОХМОНОВ ШАВКАТЖОН ХАСАНОВИЧ

РОТОРЛИ ДОН МАЙДАЛАГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

**05.07.01–Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2018.4.PhD/T941 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алижанов Джапбар

техника фанлари номзоди, доцент

Расмий

оппонентлар:

Тўхтақўзиев Абдусалим

техника фанлари доктори, профессор

Қаршиев Фахридин Умарович

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“ВМКВ-Agromash” АЖ

Диссертация химояси Тошкент ирригация кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «15» декабр 13⁰⁰ соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ~~43~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «4» декабр уни тарқатилди.
(2020 йил «4» декабр даги №2 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

К.Д. Астанақулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.в.б., т.ф.д., к.и.х.

А.А. Ахметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда чорвачиликни тўлиқ қийматли озуқалар билан таъминлаш орқали чорвачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишда янги ресурс тежайдиган технологиялар ва техник воситаларни қўллаш етакчи ўрин тутади. «Дунё миқёсида сўнгги йилларда чорвачилик маҳсулотлари, жумладан гўштга бўлган талаб 3 марта ошганлиги ва 2030 йилга бориб яна 2 мартага ортиши кутилаётганлигини ҳисобга олсак...»¹, чорвачилик хўжаликларини тўлиқ қийматли озуқалар билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан энергия-ресурстежамкор озуқа майдалаш қурилмаларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёда чорвачилик фермалари учун дон материалларини майдалаб озуқа тайёрлаш учун янги турдаги ресурстежамкор технология ва техник воситаларини яратиш ва уларнинг технологик иш жараёнларини асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан солиштирма энергия сарфи кам ва чорва моллари турлари ва ёши бўйича зоотехник талабларга жавоб берадиган майдаланган дон маҳсулотлари олиш ва унинг асосида чангсимон фракция қисми 5 % дан кўп бўлмаслигини таъминлайдиган роторли дон майдалагични ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистонда чорвачилик хўжаликлари учун энергия ва металл сарфи кам бўлган ва юқори самарадорликка эга ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмалари ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, чорва моллари учун озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш...»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан чорвачилик хўжаликларини тўла қийматли озуқа билан таъминлаш имконини берадиган қурилмаларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512-сон «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ faostat.fao.org.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 –сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дон майдалаш усуллари ва қурилмалари ҳамда уларнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича ҳорижда В.П. Горячкин, П.А. Ребиндер, С.В. Мельников, Л.П. Кормановский, В.А. Сысуев, В.А. Денисов, В.И. Сыроватка, В.И. Пахомов, М.А. Тищенко, Ню Sadri, F.A. Ferreira, S. Kwofie, D. Dziki, F. Lyu, M.M. Ibrahim, X.M. Zhao, W.Wanjun, И.А.Хозяев, А.А. Перов, С.В. Золотарев, Н.М. Смирнов, В.А. Елисеев, Н.С. Сергеев, Л.А. Глебов, Ф.Г. Плохов, П.И. Леонтьев ва бошқалар шуғулланишган.

Ушбу йўналишда эса Республикамизда А.С.Сирожиддинов, Д.А.Алижанов, К.Д.Астанақулов, Ф.У.Қаршиев, Н.М.Курбанов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар чорвачилик ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланиб келинмоқда. Аммо, бу тадқиқотларда ротор ва статор пазлари ўлчамларини аниқлаш, ишчи камерада доннинг ҳаракати ва майдаланиши, иш жараёни сифат кўрсаткичларининг қурилма параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда ўзгариш тавсифлари ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-320-«Дон маҳсулотларини майдалаш учун поғонали ишлов бериш машинасининг конструктив-технологик схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш» (2007-2009) ва ҚХИ-11-011 «Фермер хўжаликлари учун мўлжалланган роторли дон майдалагични, дон материалларига поғонали ишлов бериш машинасини ва пояли озуқаларни майдалаш машиналарини тайёрлаш, синаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2009-2010) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: роторли дон майдалагичнинг технологик иш жараёни, унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дон майдалагичлар конструкцияларини ишлаб чиқиш ва ишчи органларининг параметрларини асослаш бўйича бажарилган илмий тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

дон майдалагич ишчи камерасида доннинг майдаланиш жараёнини ва дон майдалагичнинг параметрларини асослаш;

дон майдалагич роторининг айланишлар сони, ишчи тирқиши, иш унуми, энергия сарфи ва майдаланиш модулини тажрибавий тадқиқ этиш;

дон майдалагич қурилмасини назарий ва тажрибавий тадқиқотлари натижаларининг адекватлигини аниқлаш;

тавсия этилган роторли дон майдалагични хўжалик шароитида синаш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида майдаланадиган дон ва роторли дон майдалагич қурилма ҳамда унинг ишчи қимслари олинган.

Тадқиқотнинг предмети донларнинг майдаланиш жараёнини тавсифловчи қонуниятлар, майдалагичнинг ишлаш режимлари ва ишчи органлари параметрлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари қўлланилган ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-2011, O'z DSt 1073-2016) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

донларни ротор ва статор пазлари оралиғида майдалаш имконини берадиган роторли дон майдалаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

майдалагич ишчи камерасига киришдаги ротор ва статор пазлари ўлчамлари доннинг диаметри ва майдаланиш деформациясини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

майдалагич роторнинг айланишлар сони дон бўлагининг радиал йўналишда ҳаракатланишини таъминлаш шартидан келиб чиқиб асосланган;

ротор ва статор оралиғида доннинг сиқилиши ва майдаланиш кўрсаткичлари майдалагич ишчи қисмларининг геометрик параметрлари ва тезлик режимларига боғлиқ ҳолда аниқланган;

дон майдалагич мақбул параметрлари қурилма юқори иш унумида майдалашга сарфланадиган энергиянинг энг кам бўлишини ҳисобга олган ҳолда асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

майдаланган дон ёрмаларининг бир хил ўртача ўлчамдаги заррачаларнинг тақсимланиш зичлиги болғачали майдалагичларга нисбатан 1,5-2,0 марта юқори бўлишини таъминлайдиган роторли дон майдалагич ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган майдалагичда донлар майдаланганда чангсимон фракция миқдори 3 % дан ортиб кетмаслиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган роторли дон майдалагични танлаш мезонлари ва мақбул параметрли ротор ва статор билан жиҳозланган роторли дон майдалагичнинг хўжалик шароитида синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ротор ва статордан иборат роторли дон майдалагични ишлаб чиқиш ва ишчи қисмлар параметрларининг майдаланаётган материалга кўрсатадиган таъсирининг моҳиятини очиб берувчи

аналитик боғланишлар ҳамда эмпирик ифодалар дон майдалагичларга доир мавжуд билимларни бойитади ва роторли дон майдалагичлардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти-мамлакатимиз чорвадор фермер, шахсий ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқилган роторли дон майдалагични қўллаганда солиштирма энергия сарфи кам, ихчам, бир ва уч фазали электр тармоқларида ишлай оладиган, чорва моллари ва паррандалар турларига қараб зоотехник талабларга мос майдаланиш модули таъминланган майдаланган дон маҳсулотлари олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Роторли дон майдалагичнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар натижалари асосида:

дон материалларини майдалайдиган роторли майдалагичга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (“Дон материалларини оқлаш ва қобиғини ажратиш қурилмаси”, FAP № 01131-2014 й.) Натижада майдаловчи пазларга эга ротор ва статордан ташкил топган роторли дон майдалагич қурилмасини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

роторли дон майдалагич Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26-июндаги 02/023-1918-сон маълумотномаси). Натижада донларни майдалаб, озуқа тайёрлашда меҳнат сарфини 1,33 мартага ва жараённинг энергия сифимини эса 1,81 мартага камайтириш имконига эга бўлинган;

роторли дон майдалагични ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (дастлабки талаблар, техник топшириқлар, техник шартлар ва чизмалар) «Агрегат заводи» АЖ да ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинган. Натижада энергия ва ресурстежамкор роторли дон майдалагични ишлаб чиқариш имкони яратилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26-июндаги 02/023-1918-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган. Роторли дон майдалагич «Инновацион ғоялар, технологиялари ва лойиҳалар IX республика ярмаркасида» намоиш этилган ва тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилганлиги, илмий ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дон материалларини майдалаш қурилмаларининг конструкциялари ва ривожлантириш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобда дон материалларини майдалаш жиҳозлари конструкцияларининг шарҳи ва таҳлили ҳамда дон материалларини майдалаш учун мавжуд кичик габаритли қурилмаларнинг шарҳи ва таҳлили келтирилган, майдалаш жараёнини технологик ва энергетик баҳолаш, роторли дон майдалагичнинг технологик схемаси ва диссертация ишининг асосий вазифалари асосланган.

Марказдан қочма роторли дон майдалагичнинг такомиллаштирилган конструктив-технологик схемаси ишлаб чиқилган (1-расм).



1-бункер; 2- статор; 3- ротор; 4- тўкиш нови; 5- шкив
1-расм. Роторли дон майдалагичнинг технологик схемаси

Дон майдалагич донни қабул қилиш бункери 1, кўзғалмас ишчи орган статор 2, кўзғалувчан ротор 3, тўкиш нови 4 ва ишчи орган валига ҳаракатни тасма ёрдамида узатувчи шкив 5 дан ташкил топган ва у қуйидагича ишлайди.

Дон маҳсулотлари ҳаракати бункер 1 дан бошланиб, таъминот бўғизи орқали ўтади ва марказдан қочма куч таъсирида статор 2 ва ротор 3 пазларига келиб тушиб, улар орасида майдаланади. Майдаланган маҳсулот ишчи камерадан чиқгач, юклаш куракчалари ёрдамида тўкиш нови 4 га узатилади ва ундан ташқарига чиқарилади.

Диссертациянинг «Роторли дон майдалагичнинг ишлаш жараёни, асосий параметрларини назарий тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида роторли дон майдалагичнинг технологик жараёни ва геометрик параметрларини танлаш, майдалагич ишчи камерасида доннинг майдаланишини таъминлаш, ишчи камерада доннинг ҳаракатланиши, ишчи камерада дон ҳаракатини моделлаштиришга доир ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Роторли майдалагичнинг ишчи камераси максимал ўтказиш қобилиятига эга бўлиши учун ротор пазларининг сони Z_p ни мумкин қадар кўп қабул қилиш керак.

Аммо, Z_p қабул қилиш камераси ички диаметри d_0 билан лимитланган, у ўз навбатида дон донасининг гравитация кучи натижасида тўхтаб қолмасдан эркин ҳаракатланиши шартдан келиб чиқиб аниқланилади.

2-расмдан ротор пазларининг сонини аниқлаш ифодаси олинди

$$Z_p = \frac{2\pi}{\gamma_2 + \gamma_3}, \quad (1)$$

бунда $\gamma_2 = 2 \arcsin \frac{b}{d_0}$; $\gamma_3 = 2 \arcsin \frac{t_n}{d_0}$; d_0 - қабул қилиш камерасининг диаметри; b - ротор пазининг кенглиги; t_n – тўсиқнинг эни.



2-расм. Ротор ва статор пазлари сонини аниқлашга доир схема

Z_p бутун сон бўлиши керак, (1) ифодани реализация қилиш қиймати бутун сон бўлмаслиги мумкин, унда “ b ” ёки t_n нинг қийматлари Z_p бутун сонли натижа олишигача мумкин бўлган вариантларда тузатишлар қилинади.

Ҳисоблашларда $d_0=30$ mm, $b=10$ mm ва $t_n=2$ mm қабул қилинди ва қуйидагилар олинди:

$$\arcsin \frac{10}{30} = 19^\circ, \quad \arcsin \frac{2}{30} = 4^\circ, \text{ ундан}$$

$$Z_p = \frac{2\pi}{2(19^\circ + 4^\circ)} = \frac{180^\circ}{23^\circ} = 7,72.$$

Натижалар яхлитланиб $Z_p=8$ қабул қилинди ва унинг ҳисобланган маълумотдан кўп бўлиши t_n ҳисобига компенсация қилинади. Чунки “ b ” нинг қийматини камайтириб бўлмайди.

t_n ни қиймати қуйидагича ҳисобланади

$$t_n = d_0 \sin\left(\frac{\pi}{Z} - 19^\circ\right) = 30 \sin\left(\frac{180^\circ}{8} - 19^\circ\right) = 1,58 \text{ mm}.$$

Статор пазларининг сони Z_c ни $Z_c \leq Z_p$ шартидан қабул қилинади.


3-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб ишчи камерада доннинг майдаланиши бошланишининг биринчи даври, яъни ишчи жараённи дастлабки бошланишини таъминлаш учун қуйидаги шартлар келтириб чиқарилди

$$\alpha_c \geq 2 \arctg \frac{r_3 \sin \alpha_p}{r_3(1 + \cos \alpha_p) - \Delta}; \quad (2)$$

ва

$$r = r_k - \frac{1}{h_0} \left\{ r_3(r_k - r_0) + [r_3 - (\Delta + \delta)] \sqrt{h_0^2 + (r_k - r_0)^2} \right\}, \quad (3)$$

бунда α_c - статор пази тагининг қиялик бурчаги; r_3 - доннинг радиуси; α_p - ротор пазининг қиялик бурчаги; r - роторнинг айланиш ўқидан доннинг марказигача бўлган масофа; r_k - ташқи радиус; h_0 - паз баландлиги; Δ - майдалаш деформацияси; δ - ротор ва статор орасидаги тирқиш.



3-расм. Майдалагичнинг ишчи камерасида донни майдаланишини тадқиқ этишга доир схема

Дон бўлаклари ротор пази бўйлаб ҳаракатланаётганда, унга қуйидаги кучлар таъсир қилади: марказдан қочма куч F_u , Кориолис кучи F_k , оғирлик кучи G , ишқаланиш кучи F_m . Мазкур кучлар таъсирида дон бўлақчаларининг радиал ҳаракати дифференциал тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\ddot{r} + 2f\omega\dot{r}\cos\beta - \omega^2 r(1 \pm f\sin\beta\cos\beta) + g\cos^2\beta = 0, \quad (4)$$

бунда f - дон бўлагини роторнинг пази бўйлаб ишқаланиш коэффиценти; r - дон бўлагининг радиал кўчиши; ω - роторнинг бурчак тезлиги; g - эркин тушиш тезланиши.

(4) ифодада дон бўлаги пастга тушаётганда қавс ичида “+” ишораси, юқорига кўтарилаётганда эса “-” ишораси олинади.

(4) ифодани ечиб, қуйидаги натижаларга эга бўлинди:

$$r = \frac{1}{\lambda_1 - \lambda_2} \left(r_0 - \frac{C}{B} \right) (\lambda_1 e^{\lambda_2 t} - \lambda_2 e^{\lambda_1 t}) + \frac{C}{B}, \quad (5)$$

ва

$$r = \frac{\lambda_1 \lambda_2}{\lambda_1 - \lambda_2} \left(r_0 - \frac{C}{B} \right) (e^{\lambda_2 t} - e^{\lambda_1 t}) \quad (6)$$

бунда $B = \omega^2(1 \pm 0,5f\sin 2\beta)$; $C = fg\cos^2\beta$; $\lambda_1 = -\frac{A}{2} + \sqrt{\left(\frac{A}{2}\right)^2 + B}$; $\lambda_2 = -\frac{A}{2} - \sqrt{\left(\frac{A}{2}\right)^2 + B}$;

$A = 2f\omega\cos^2\beta$; t - вақт.

(5) ва (6) ифодаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, дон бўлагининг радиал йўналишда ҳаракатланиши фақат қуйидаги шарт бажарилганда таъминланади

$$r_0 - \frac{C}{B} > 0 \text{ ёки } r_0 - \frac{fg\cos^2\beta}{\omega(1 \pm 0,5f\sin 2\beta)} > 0. \quad (7)$$

Бундан


$$\omega > \sqrt{\frac{fg}{r_0(1 \pm 0,5f\sin 2\beta)}} \cos\beta \quad (8)$$

бўлиши лозимлиги келиб чиқади.

Диссертациянинг «**Роторли дон майдалагични экспериментал тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида роторли дон майдалагичнинг параметрларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Эксперимент тадқиқотларда тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ва услубиёти, бирламчи экспериментлар натижалари келтирилган ва роторли дон майдалагич ишчи камерасининг иш унуми ва энергия сифими, донли материаллар ёрмасининг сифат кўрсаткичлари ўрганилган.

Роторли дон майдалагичда иш унуми, энергия сарфи ва майдаланиш модулини аниқлаш учун лаборатория қурилмаси ишлаб чиқилди. Қурилма у рама, майдалагич ишчи органи, бункер, электродвигатель ва бошқариш пультадан ташкил топган (4-расм).



1-рама; 2-майдалагич ишчи органи; 3-бункер; 4- электродвигатель; 5-бошқариш пульти
4-расм. Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш учун лаборатория қурилмаси

Таъминловчи қисмли бункер конструкциясида ишчи камерани юклаш гравитацион ҳамда ростловчи заслонкалар орқали бажарилиши кўзда тутилган. Ишчи орган дон материалларини зоотехник талаблар бўйича керакли катталиқда майдалаш учун ротор ва статор ишчи юзалари пазлардан тузилган. Ротор тагида майдалагич корпусида ўрнатилган бўшатиш новига майдаланган маҳсулотни узатувчи куракли диск ўрнатилган. Понасимон тасмали юритманинг узатишлари сони майдалагич кичик айланишлар сонисида ишлаганида ротор валини керакли айланттирувчи момент билан таъминлайди.

Майдалагич параметрлари ва иш режимларининг мақбул параметрларини аниқлашда назарий тадқиқотларларда олинган ротор ва статор параметрлари: ротор ва статорнинг диаметри, ротор ва статордаги пазлар сони, пазнинг кириш жойидаги баландлиги, бункер патрубкиси киришдаги диаметри, бункер сифимининг доимий этиб, ўзгарувчан омиллар сифатида ишчи камерадаги тирқиш катталиги ва роторнинг айланишлар частотаси қабул қилинди. Экспериментлар қабул қилинган услублар асосида бир омилли кўринишида, бир турдаги дон (буғдой) да ўтказилди. Асосий тажрибалар умумий сони қурилма тезлик режимларининг тўртта даражасида, ишчи камера тирқишларининг олти та қийматларида 24 тани ва мос равишда 5 мартадан такрорлашларда 120 мартани ташкил этди.


Майдалагич ишчи камерасининг иш унуми ва энергия сифимини тадқиқ қилиш. Олинган натижалардан кўринадики δ тирқишнинг ортиши билан иш унуми ортади, қувват сарфи ҳам (умумий ва майдалашга) монотон равишда ошиб боради. Тирқиш кичик, яъни $\delta=0,25$ mm бўлганида бундан истисно бўлди. Шу билан бирга барча режимларда майдалаш солиштирма ишининг сезиларли ўсишида минимал иш унуми олинди.

Тажриба Q ва A қаторларининг тақсимланишининг хусусияти $Q_m=f(\delta)$ ва $A=f(\delta)$ моделларидан фойдаланишни тахмин қилиш қуйидаги кўринишдаги ифодаларни келтириб чиқаради:

$$Q_m=a_0+a_1 \cdot \delta+a_2 \cdot \delta^2; \quad (9)$$

$$A_m=b_0+b_1 \cdot \delta+b_2 \cdot \delta^2. \quad (10)$$

$Q_m=f(\delta)$ модели коэффициентларини энг кичик квадратлар усулида «MatLAB» дастурида тўғридан тўғри ҳисоблаш тартиби орқали ЭХМ да ҳисобланди.



1-750 r/min; 2-1000 r/min; 3-1500 r/min; 4-2000 r/min;
5-расм. Ротор ва статор орасидаги тирқиш δ га боғлиқ равишда ишчи камера иш унуми Q нинг ўзгариши (буғдой учун)

5-расмда $Q_m=f(\delta)$ нинг турли тезлик режимларида боғлиқлик характери тажриба натижалари бўйича Q қийматларни белгилаш орқали кўрсатилган. Тегишли кесимларда эгриликлардан чекиниш, шунингдек векторларнинг сон қийматлари (хатоликларнинг максимал катталиклари учун 5% дан кўп эмас) назарий моделларнинг тажриба билан яхши мос келишини кўрсатади.

Иш унумининг ўсиш тезлиги тўғри чизиқли характерга эга:

$$n=750 \text{ r/min да } Q_{1m} = -0,1030 + 18,04 \cdot \delta;$$

$$n=1000 \text{ r/min да } Q_{2m} = -8,6644 + 31,75 \cdot \delta;$$

$$n=1500 \text{ r/min да } Q_{3m} = -0,5185 + 25,88 \cdot \delta;$$

$$n=2000 \text{ r/min да } Q_{4m} = -0,8335 + 33,96 \cdot \delta.$$

Бу ифодалардан кўришиб турибдики, иш унумининг энг тез ўзгариши $n=2000 \text{ r/min}$ да, бу ротор пазларида зарраларнинг тез ҳаракатланишига сабаб бўлувчи марказдан қочма кучларнинг ўсиши билан изоҳланади.

Худди шу тартибда майдалашнинг солиштирма иши модели учун коэффициентлари аниқланди (6-расм). Бироқ, олинган хатоликлар ($A-A_m$) ҳамма режимларда катта бўлиб, кўп ҳолатларда 10-15% ни ташкил этди (A қирқимларда).

Моделнинг мослашувчанлигини ошириш, яъни хатолар вектори элементлари ҳар бир режимини қиймат миқдорини камайтириш учун тенглама даражаси катталаштирилди:

$$A_m = e_0 + e_1 \cdot \delta + e_2 \cdot \delta^2 + e_3 \cdot \delta^3. \quad (11)$$


Натижада қуйидаги ифодалар тизими айланишлар частотасининг кўпайиши тартибида олинди:

$$A_{1m} = 21,43 - 21,23 \cdot \delta + 21,58 \cdot \delta^2 - 5,15 \cdot \delta^3 - \max \text{ да } \{A_1 - A_{1m}\} = 0,46 (8,2\%);$$

$$A_{2m} = 17,72 - 28,45 \cdot \delta + 19,69 \delta^2 - 4,78 \cdot \delta^3 - \max \text{ да } \{A_1 - A_{2m}\} = 0,52 (5,6\%);$$


$A_{3m}=17,7528-24,9969\cdot\delta+15,4096\cdot\delta^2-3,359\cdot\delta^3-\max$ да $\{A_3-A_{3m}\}=0,69$ (8,3%);
 $A_{4m}=12,51-23,05\cdot\delta+15,96\cdot\delta^2-4,07\cdot\delta^3-\max$ да $\{A_4-A_{4m}\}=0,16$ (3%).

6-расмда $A_m=f(\delta)$ боғлиқликнинг хусусияти тадқиқот натижалари A ни нукталар кўринишида киритиш орқали кўрсатилган, улар назарий ва эксперимент натижаларини яққол ифодалайди.



6-расм. Турли тезлик режимларда ишчи камера тиркиши δ га боғлиқ ҳолда буғдой дони майдаланишига солиштирма иш A нинг боғлиқлиги

$Q_m(\delta, n)$ сиртни тўлиқроқ тасвирлаш учун унинг уч ўлчамли фазовий кўриниши 7-расмда, δ ва n боғлиқликлар характерини тасвирловчи кўриниши эса 10 та кесимда (9 kg/h дан кейин) 8-расмда кўрсатилган.



7-расм. Уч ўлчамли фазода $Q_m(\delta, n)$ сиртнинг умумий кўриниши (буғдойни майдалашда)

Кўришиб турибдики, $Q_m(\delta, n)$ сирт бир хилда ўсади, δ ва n текислик бошида ўсиш ботик кўринишга эга бўлиб, кейинроқ қабарик кўринишга эга бўлади. Сирт юзаси эгрилигининг ўзгариши кесимлар сиртида ҳам яққол кўринади. 7 ва 8-расмлардаги график кўринишлар тўғридан тўғри ҳисоб-китоблар орқали «MatLAB» дастурида мос файллардан фойдаланилган ҳолда қурилди.

$A_m = \varphi(\delta, n_1, Q)$ моделнинг ифода кўриниши кетма-кет яқинлаштириш усулида аниқланган. Коэффициентлар баҳоланганидан кейин энг кичик квадратлар усули ёрдамида қуйидаги ифода олинди:

$$A_m = 24,0529 - 27,9075 \cdot \delta + 11,2004 \cdot \delta^2 - 1,0103 \cdot n_1 - 75 \cdot n_1^2 + 0,6025 \cdot Q + 0,0032Q^2 + 0,6824 \cdot \delta \cdot n_1^2 - 0,473 \cdot \delta \cdot Q - 0,0061 \cdot n_1 \cdot Q. \quad (12)$$

Бу ерда максимал хатолик $A - A_m = 0,6832$, бу ўз навбатида $A = 6,7$ га нисбатан 10,1% ни ташкил қилади. (12) ифодада $n_1 = n \cdot 10^{-2}$. Даражанинг бундан кейинги ошиши хатоликларнинг сезилмас даражада камайишини, яъни моделнинг яхшиланишини таъминлайди. Кўришиб турибдики майдалашнинг солиштирма ишига δ билан n ва Q элементларининг чизиқли қисми энг катта таъсир қилади.

Худди шундай кўрсаткичлар маккажўхори донини майдалаш натижаларидан ҳам олинди.

Донли материаллар ёрмасининг сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш.

Ишлаб чиқаришда ёрма сифати стандарт ғалвирлар жамланмасидан майдаланган маҳсулотни элаб ўтказиш асосида аниқланади. Олдиндан ўтказилган тажрибалар майдаланган дон ёрмаси тарқалиш зичлиги юқорилигини кўрсатди. Шу сабабли стандарт ғалвирлар йиғмасини кўпайтиришга тўғри келди. Бу тасодиқий катталиқ x_i (дон майдалангандан кейинги ёрма ўлчамлари) ни интерваллари сонини кўпайтириш ва кўпроқ тўла дискрет экспериментал тарқалишни ҳамда назарий моделларни олиш имконини берди.

Юқорида ёзилган услубиятга мос равишда буғдойни майдалашда ротор айланишлар частотаси 750 r/min да ва ишчи камера тирқиши $\delta = 1,5$ mm да олинган тажриба натижаларига ишлов берилгандан сўнг 1-жадвалда 5 та такрорлашларнинг ўртача қиймати бўйича ёрма натижалари келтирилди.

1-жадвал.

$n = 750$ r/min ва $\delta = 1,5$ mm да ёрма заррачаларининг ўлчамлари бўйича тарқалиши

Заррачалар ўлчамлари x_i , mm	1,1-1,35	1,35-1,75	1,75-2,25	2,25-2,75	2,75-3,0
Учрашишлар сони P_i	0,04	0,06	0,1	0,3	0,5
Тўпланган учрашишлар сони йиғиндиси $F = \sum P_i$	0,04	0,1	0,2	0,5	1,0


1-жадвалда келтирилган дискрет (экспериментал) тарқалиш сонли маълумотлари ёрма заррачаларининг ўртача катталигини

$$\bar{x} = \sum_{i=1}^5 x_i \cdot P_i = 2,35 \text{ mm},$$

ҳамда дисперсиясини аниқлаш имконини беради

$$D = \sum_{i=1}^5 (x_i - \bar{x})^2 \cdot P_i = 0,2415.$$

Тажрибалар натижалари бўйича жараёни аналитик ёзиш ва ҳар хил турдаги маълум тасодифий катталикларнинг тарқалиш функциялари (нормал тарқалиш, гамма-тарқалиш, экспоненциал тарқалиш ва шунга ўхшашлар) қўлланилади. Қўйилган масалада назарий тарқалишнинг кўпроқ тўғри келадиган типини аниқлаш учун 9-расмда $n=750 \text{ r/min}$ да δ нинг ҳар хил қийматлари учун қурилган график кўринишида келтирилган ва бунда $P = f(x)$ функция кўриб чиқилди.



1- $\delta = 0,25 \text{ mm}$; 2- $\delta = 0,5 \text{ mm}$; 3- $\delta = 1 \text{ mm}$; 4- $\delta = 1,5 \text{ mm}$; 5- $\delta = 1,75$; 6- $\delta = 2,25 \text{ mm}$

9-расм. $n=750 \text{ r/min}$, δ тирқиш турлича бўлганида буғдойни майдалашда зарраларнинг ўлчамлари частоталарининг экспериментал тақсимланиши


9-расмдан боғлиқликлар чизикли эмас ва δ катталашиши билан қатъий ўсиши кўриниб турибди. Шу сабабли

$$P_m = A \cdot e^{bx} \text{ ёки } P_m = A \cdot x^a \cdot e^{bx}, \quad (13)$$

кўринишдаги экспоненциал тарқалишни танлаш тўғри бўлади, бу ерда: индекс m -моделнинг таълуқлилигини билдиради; A , a , b -коэффициентлар, уларни тажрибалар натижалари базаси бўйича аниқланади.

Тажрибада олинган ҳолат учун мос равишда $P_m = A \cdot e^{bx}$ қабул қилинди. Уни чизикли кўринишга келтириш учун қайта ўзгартириш бажарилди: $z = \ln(P)$; $a_0 = \ln A$ ва $a_1 = b$ қабул қилинди.

Ушбу ифода коэффициентлари ЭХМ да «MatLAB» дастурида ҳисобланди. 10-расмда $P(x)$ дискрет катор нуқталар ва $P_m(x)$ узлуксиз эгри чизиқлар кўринишида берилган.



1- $\delta = 0,25$ mm; 2- $\delta = 0,5$ mm; 3- $\delta = 1$ mm; 4- $\delta = 1,5$ mm; 5- $\delta = 1,75$ mm; 6- $\delta = 2,25$ mm

10-расм. $n=750$ r/min, δ тирқиш турлича бўлганида маккажўхори донини майдалашда ўлчамлар частотасининг назарий (сидирға чизиқлар) ва экспериментал (нуқталар) тақсимланиши

10-расмдаги эгри чизиқлар 1, 2, 5, 6 ҳолларда, кичик $\delta=0,25-0,5$ mm ва катта $\delta=1,75-2,25$ mm тирқишлар учун тақсимланишлар юқорилигини кўрсатди. 1, 2 эгри чизиқлар учун барча зарралар мос ҳолда $D_1=0,082-0,09$ ва $D_2=0,0408-0,0339$ дисперсияларда ($P=1$ эҳтимоллиги билан) $0,98$ mm интервалда жойлашган. 5, 6 эгри чизиқлар учун 1 mm узунликда жойлашган майдаланиш зарралари мос ҳолда $D_5=0,1337-0,11$; $D_6=0,0688-0,0719$. Бу майдаланган маҳсулот зарраларининг бир хиллигидан далолат беради.

Шундай қилиб, $\delta=0,25$ да $\bar{x} = 0,9 \pm 0,2$ диапазонга майдаланган маҳсулотнинг 70% тўғри келади. Чангсимон фракциялар ($x < 0,1$) миқдори эса, 3% дан кўп эмас. Чангсимон фракциянинг мавжудлиги фақат $\delta=0,25; 0,5; 1$ mm бўлганида мавжуд. Катта тирқишларда эса майдаланган маҳсулотда чангсимон фракциялар йўқ. Тирқиш $\delta=1-1,5$ mm бўлганда зарра ўлчамларининг тарқалиши катта бўлиши кузатилди. Жумладан, тирқиш $\delta=1$ mm бўлганда чангсимон фракция кам (2% дан кўп эмас) бўлиши ва унинг дисперсияси кўриляётган ҳол учун энг катта $D_3=0,5209-0,5067$ бўлиши аниқланди. $\bar{x} = 2,05 \pm 0,7$ диапазонда эса майдаланган зарралар миқдори майдаланган массанинг 70% ни ташкил қилди. \bar{x} ва δ ўртасидаги фарқ ишчи камерада чиқиш momentiдаги зарраларнинг парчаланиши ва ҳаракатланишидаги жараён хусусиятлари билан изоҳланади. $\delta=1,75-2,25$ mm бўлганда, тақсимланиш зичлиги $\delta=2,25$ mm га нисбатан анча катта бўлсада зарраларнинг ўртача ўлчамлари кам фарқланади. Бу катталиги δ

ўлчамдан катта ёки кичик бўлган майдаланмаган зарралар чиқишининг кўпайиши билан изоҳланади.

Ротор айланишлари $n=1000, 1500, 2250$ r/min бўлганида буғдойда ўтказилган худди шундай тажрибалар натижалари таҳлилидан кўришиб турибдики, δ тирқиш бир хил бўлганида майдалаш сифатида сезиларли фарк йўқ. Буни тасдиқлаш учун $\delta=1,5$ mm бўлганда $n=1000$ r/min даги дискрет тақсимланиш параметрлари ва назарий моделлари ЭХМ да ҳисобланди.

Бунда $P_m=0,0038 \cdot e^{1,5879 \cdot x}$ модели дискрет (тажриба) тақсимланишдаги максимал хатолик 0,0751 билан жуда яқин келади. Тўпланган частоталар йиғиндисининг модели мураккаблиги анча юқори:

$$F_m = 0,0096 \cdot x^{5,4877} \cdot e^{-0,1863x^2}.$$

Бунда максимал хатолик 0,1356 га тенг. У ҳолда тақсимланиш модели куйидагича бўлади

$$\varphi_m = 0,0527 \cdot x^{4,4877} \cdot e^{-0,1863x^2} - 0,0036 \cdot x^{5,4877} \cdot e^{-1,863x^2}$$

Ҳисоб-китоблар $x_m = 2,7438$ ва $D_m = 0,3180$ ни беради.

Худди шундай кўрсаткичлар маккажўхори донини майдалаш натижаларидан ҳам олинди.

Диссертациянинг «**Роторли дон майдалагични хўжалик шароитида синаш натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида роторли дон майдалагич тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Хўжалик синовлари натижаларига кўра роторли дон майдалагич билан майдаланган дон ёрмаларининг ўлчамларининг тақсимланиш зичлиги болғачали майдалагичларга нисбатан 1,5-2,0 марта юқори эканлиги аниқланди. Шу билан бирга чангсимон фракцияларнинг миқдори 3% дан ошмади ва зоотехник талабларга тўлиқ жавоб берди. Машинанинг энергетик кўрсаткичлари бўйича унинг солиштирма энергия ҳажмдорлиги 0,005 kW h/kg дан кичик ва бу стандарт талабларга жавоб беради.

Дон майдалагич фойдаланиш даврида ишончли ишлади, бузилишлар ва синишлар кузатилмади.

Техник иқтисодий ҳисобларнинг кўрсатишича, таклиф этилаётган роторли дон майдалагични қўллаб, дон маҳсулотлари майдаланганда меҳнат сарфи базавий машина бўйича 13,3 kishi-h/t ни, янги машина бўйича эса 10 kishi-h/t ни, меҳнат сарфи тежалиши 1,33 баробарни ташкил қилди.

Электр энергия сарфи базавий машинада 10,4 ming so'm/t ни, янги машина бўйича эса 5,2 ming so'm/t ни ташкил этиб, жараённинг энергия сифими янги дон майдалаш машинасини қўллаш натижасида 1,81 баробарга камаяди.

Янги дон майдалаш машинасини қўллашдан олинган йиллик иқтисодий самара эса 6219746 so'm ни ташкил қилади.

ХУЛОСА

«Роторли дон майдалагичнинг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Донли материалларни майдалашда қўлланиладиган мавжуд ишчи органлар ва кичик ўлчамли дон майдалагичлар конструкцияларини тадхлил қилиш солиштирма энергия сарфи кам ва майдаланган дон ёрмаси зоотехник талабларга жавоб берадиган роторли дон майдалагич конструкциясини яратиш имконини берди.

2. Ротор ва статор пазлари оралиғига доннинг кириши, ҳаракатланиши ва майдаланиш жараёни динамикаси бўйича аналитик боғлиқлик кўринишида олинган моделлар роторли дон майдалагич асосий параметрлари ва ишлаш режимларини аниқлаш имконини беради.

3. Роторли майдалагич қурилмани экспериментал тадқиқ этиш донларни ротор ва статор оралиғида майдалаш технологик жараёнини назарий тадқиқ этиш натижаларини 5-15% аниқликда адекватлигини тасдиқлади.

4. Роторли дон майдалагичда ротор ва статор дисклари радиуслари 100 mm, ротор пазлари сони 8 та, статор пазлари сони 7 та, ротор ва статорнинг киришдаги пазлар баландлиги 10 mm, ротор ва статор пазларининг киришдаги кенглиги 10 mm, чиқишдаги кенглиги эса 50 mm, ротор пазининг қиялик бурчаги 7 градус, статор пазининг қиялик бурчаги эса 13 градус ва роторнинг айланишлар частотаси 1500 r/min бўлганда донларни минимал энергия сарфи билан сифатли майдалашга эришилади.

5. Дон майдалагичнинг мақбул параметр ва иш режимлари майдаланган дон ёрмалари ўлчамларининг тақсимланиш зичлиги болғачали майдалагичларга нисбатан 1,5-2,0 марта юқори бўлиши, чангсимон фракцияларнинг миқдори 3% дан ошмаслиги ва зоотехник талабларга тўлиқ жавоб беришини таъминлайди.

6. Янги роторли дон майдалагичдан фойдаланилганда меҳнат сарфи 1,33 мартага тежалди, жараённинг энергия сифими 1,81 мартага камаяди ва йиллик иқтисодий самара 6219746 со'тми ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

АБДУРОХМОНОВ ШАВКАТЖОН ХАСАНОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РОТОРНОГО ИЗМЕЛЬЧИТЕЛЯ
ЗЕРНА**

**05.07.01– Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/T941

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tiame.uz и образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Алижанов Джапбар

кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Тухтакузиев Абдусалим

доктор технических наук, профессор

Каршиев Фахриддин Умарович

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:


АО"ВМКВ-Agromash"

Защита диссертации состоится «15» декабрь 2020 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: г. Ташкент 100000, ул. Кары Ниязи, 39. Тел. (+99871)237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 143) (Адрес: г. Ташкент 100000, ул. Кары Ниязи, 39. Тел. (+99871) 237-09-45), факс: (+99871) 237-46-68, e-mail admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» декабрь 2020 года.
(Протокол рассылки № 2 от «4» декабрь 2020 года).




Б.С. Мирзаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д. т. н. профессор



К.Д. Астанакулов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, в.и.о., д.т.н., с.н.с.



А.А. Ахметов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д. т. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место в повышении эффективности производства продукции животноводства путем обеспечения полноценными питательными кормами занимает применение новых ресурсосберегающих технологий и технических средств. «Учитывая тот факт, что мировой спрос на продукцию животноводства, в том числе на мясо, за последние годы увеличился в 3 раза и ожидается увеличение к 2030 году еще в 2 раза...»¹, обеспечение животноводческих ферм полноценными питательными веществами является одной из важных задач. В связи с этим большое внимание уделяется производству энерго-ресурсосберегающих кормоизмельчающих устройств.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на создание новых видов ресурсосберегающих технологий и технических средств для приготовления кормов, путем измельчения зерновых материалов в животноводческих хозяйствах и обоснование их технологических рабочих процессов.

В связи с этим считается необходимым разработка и обоснование параметров роторного измельчителя зерна обеспечивающего минимальные удельные энергозатраты, получение измельченных зерновых продуктов, соответствующих зоотехническим требованиям по виду и возрасту скота и на основе этого обеспечение пылеобразной фракции, не превышающей 5%.

В Узбекистане ведутся широкомасштабные мероприятия по разработке высокоэффективных, с низким энергопотреблением и металлоемкостью, ресурсосберегающих технических средств и устройств для животноводческих ферм. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы даны определенные задачи, в том числе «...модернизация сельского хозяйства, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности нашей страны, увеличение производства кормов для животных...»². При реализации этих задач, в том числе техническая и технологическая модернизация устройств, позволяющих обеспечить животноводческие хозяйства полноценными кормами, является одной из важных вопросов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях ПП-4512 от 7 ноября 2019 года «О мерах по ускоренному развитию отраслей животноводства в Республике Каракалпакстан», ПП-4576 от 29 января 2020 года «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹faostat.fao.org.

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

